

372
M-99

ШУКУРҮЛҮО МАРҶОНОВ

ЯНГИ ТАЪЛИМИЙ КАДРИЯТЛАР
АСОСИДА ПЕДАГОГИК
КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ
ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ

«ФАН»

372

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХААҚ
ТАЪЛИМИ ВАЗИРАЛИГИ

Т.Н.КОРИ-НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ПЕДАГОГИКА
ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАҚҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ШУКУРУЛЛО МАРДОНОВ

ЯНГИ ТАЪЛИМИЙ ҚАДРИЯТЛАР
АСОСИДА ПЕДАГОГ ҚАДРЛАРНИ
ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ

70007

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
«ФАН» НАШРИЁТИ

ТОШКЕНТ - 2006

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА О'RTA МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРАЛИГИ
ТОШКЕНТ ИЛМОВАТИ САНЪАТИ
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
АХБОРОТ RESURS MARKAZI

Мардонов Ш.Қ.
Янги таълимий қадриятлар асосида педагог кадрларни
тайёрлаш ва малакасини ошириш
(Масъула муҳаррир проф. Х.И.Ибрагимов). — Тошкент:
Фан, 2006. — 232 бет.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши билан
янги қадриятлар юзга келди, улар таълимда ҳам ўзгариш —
ларга сабаб бўлди, аynиқса, ёшларнинг унга бўлган муноса —
батини ўзгартирди.

Муаллиф Республикада таълим соҳасидати ислоҳат —
ларни амалга оширишда педагог кадрларни таълимий
қадриятлар асосида тайёрлаш ва малакасини оширишнинг
педагогик асослари, унинг умумий қонуниятлари, хусусиятла —
ри ҳамда кадрлар тайёрлаш сифатини оширишдаги муҳим
шартлар ва технологиялар тўғрисида фикр юритиб, унга ил —
мий — назарий ҳамда амалий жавоб беради.

Монография «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни
амалга оширишда таълимнинг бошқарув органлари раҳбар —
лари, педагоглар, ўқитувчилар, тарбиячилар, таълим муасса —
салари ходимлари, докторантлар, аспирантлар учун мўлжал —
ланган.

Масъула муҳаррир: педагогика фанлари доктори,
профессор Х.И.Ибрагимов

Таърихчилар: Филология фанлар докторлари

А.Э.Маматов,
У.Ж.Жуманазаров;
Педагогика фанлари номзодлари
Х.М.Пайзимуродов,
М.М.Мамаюсупов.

4303000000

М — Рез.2004

М 355 (04) — 2004

© Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан» нашриёти, 2004 й.

ISBN 5-648-03015-0



Марҳум отам Маргон ота ўғли
Қўдоғбой ва онам Жўмабой ота
қизи Турсуноиларнинг пороҳ
хотирасига бағишлайман

КИРИШ

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Республикада
олиб бориладиган ислохотларни ҳисобга олган ҳолда
кадрлар тайёрлаш тизимини мазмунан тубдан қайта
ташкил этишга қаратилган.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» таъаббарини
амалга ошириш жараёнида юқори малакали педагог —
ларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш муҳим муаммо сифа —
тида кун тартибига қўйилмоқда. Бинобарин, узлуксиз
таълим тизимининг самарали фаолият кўрсата олиши,
энг аввало, малакали педагог кадрлар томонидан йўлга
қўйиладиган фаолият мазмунига боғлиқдир. Шу боис,
жамиятда амалга ошириладиган таълимий ислохотлар
«кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг
ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан,
жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва
технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан
ҳолда қайта қуриш»¹ни назарда тутди. Жамиятда ке —
чаётган ижтимоий — иқтисодий ва маданий ўзгаришлар
эволюцион тарзда таълим тизимининг янги мазмун қасб
этишини таъминлади, илғор фоядални ўзида намоён
этувчи таълимий қадриятлар шаклланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV
сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дасту —
ри» тўғрисидаги Қонуни // Баркамол авлод — Ўзбекистон та —
риқийётининг пойдевори. — Т.: Шарқ нашриёт — матбаа концерни,
1997. 39 б.

И.А.Каримов сўзлаган нутқда таълим қадриятларининг ижтимоий ва шахста йўналганлик хусусиятини² очиб беради. Ижтимоий қадриятлар, шу жумладан, таълимий қадриятлар ҳам шахсни шакллантиришга хизмат қилиши, унинг қадар — қимматини ошириши, педагоглар томонидан шахс омилининг таълим — тарбия жараёнда — рининг етакчи субъекти ва объекти сифатида тан оли — нишини таъминлаши, унда эркин ва мустақил фикрлаш, шунингдек, ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакл — лантиришга ёрдам бериши мақсадга мувофиқдир. Би — нобарин, баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаб вояга етказишга бўлган эҳтиёж ривожлана — ётган ҳамда янгича ижтимоий муносабатлар қарор то — паётган мавжуд шароитда янада долзарб маъно ва мо — ҳият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов юқорида қайд этилган ижтимоий талаб моҳиятини қуйидагича ёритади: «Ўз ҳақ — ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофидаги со — дир бўлаётган воқеа — ҳодаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатла — рини мамакат ва ҳақ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак»³.

Мустақил ривожланиш, ўз — ўзини тарбиялаш, шах — сий имкониятларни эркин рўёбга чиқаришга бўлган ижтимоий талабнинг қондирилиши, унинг қизиқиш, эҳтиёж ва ҳаётий мақсадларини инobatга олган ҳолда таълим — тарбия жараёнини табақалантириш ва инди — видуллаштиришга эришиш асосида кечади. Шу боис таълим жараёнининг мазмуни, шакли, метода ва воси — таларининг таълимий қадриятлар фозларига мос келиши мақсадга мувофиқдир.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломоқда. — Т.: Ўзбекистон, 1999, 17 б.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломоқда. — Т.: Ўзбекистон, 1999, 17 — 18 б.

Таъқиқот муаммосининг ечимини топишда унинг моҳиятини яхлит тарзда тасаввур этиш имконига эта бўлган асосий тушунчаларнинг мазмунини англаб олиш мақсадга мувофиқдир. Шу боис «қадрият», «таълимий қадриятлар» тушунчаларининг моҳиятини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Қадрият атамаси аксарият адабийларда қайд этил — ганидек, фалсафий тушунча бўлиб, у шахс томонидан ташкил этилувчи фаоллигининг мазмунини очиб беришга хизмат қилади.

Файласуф Э.Юсуповнинг таъкидлашича, қадрият — бу инсон ёки жамиятнинг у ёки бу эҳтиёжини қондирадиган ва улар манфаатига хизмат қиладиган моддий ва маънавий эҳтиёж ва манфаатдир. Умуман, қадриятлар жамият ҳаётининг тарихий тараққиёти жа — раёнда шаклланган ва ривожланган ўтмишда, ҳозирги кунда ва келажакда ҳам ижтимоий — сиёсий, иқтисодий ва маънавий тараққиётга таъсир этадиган, кишилар онлига сингиб, ижтимоий аҳамият касб этадиган моддий ва маънавий бойлиқдир⁴.

Демак, юқорида билдирилган фикрдан англанадими, қадрият инсоният ҳаётининг таркибий унсурларидан бири бўлиб, унинг моддий ва маънавий омилларининг ижтимоий тараққиёт жараёнидаги аҳамияти инсонлар томонидан қадрланишини ифода этади.

Мазкур фикр О.Мусурмонова томонидан ҳам тас — анкланади. Чунончи, «Педагогик нуқтаи назардан қадриятлар шахс онли ва фаоллигини ривожлантириш — га, уни бир бутун шахс сифатида шаклланишга таъсир этувчи маданий — маърифий воситадир»⁵.

Айрим муаллифлар томонидан эса ушбу тушунча инсонга хос бўлган энг олий маънавий — ахлоқий си — фатлар мажмуи сифатида таъқин этилади. Чунончи, педагог М.Иномова томонидан оlib борилган

⁴ Юсупов Э. Қадриятлар ва уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни. — Т.: Университет, 1996, 6 б.

⁵ Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. — Т.: Ўқитувчи, 1996, 54 б.

тадқиқотда "қадрият" тушунчасининг шарҳи қуйидагича таққин этилади: "Қадриятлар деганда, жамият учун аҳамиятга бўлган милолат, элат ва ижтимоий ғуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадлари йўлида хизмат қиладиган эркинлик, ижтимоий адолат, маърифат, ғўзаллик, ҳалоллик, бurchа садоҳат сингари фазилатлар йиғиндисини тушунамиз"⁶.

Бизнинг назаримизда юқорида келтириб ўтилган, фикрлардан дастлабки икkitаси "қадрият" тушунчасининг моҳиятини тўлақонли ифода эта олган. Зеро, қадрият сифатида нафақат маънавий, балки моддий омиллар ҳам эътироф этилади.

Тушунчанинг тўб маъноси борасида билдирилган фикрларни умумлаштириш асосида, таълимий қадриятлар тушунчасини шундай шарҳлашимиз мумкин: **таълимий қадриятлар шахста илмий-назарий билимларни бериш, унда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялаш, унинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишида муҳим ижтимоий-педагогик аҳамиятга эга бўлган, шунингдек, ўзига хос аҳамият касб этивчи объект ва субъекти омиллар мажмуасидир.**

Янгиланган жамият, маънавий, интеллектуал қадриятлар, ҳақнинг бой анъаналари, умуминсоний ҳамада илмий қадриятлар, фан, техника, технологиялар ютуқларига таянган ҳоҳда, шунингдек, маънавий-ахлоқий анъаналарини қайта тиклаш ва ривожлантириш асосида ривожланади.

Қадриятлар ва улардан ижтимоий ҳамада педагогик муносабатларни ташкил этиш жараёнида фойдаланиш борасидаги вазифалар — таълим мазмуни, унинг жараёни ва «педагог—таълим» тизимидаги ўзаро муносабатларни ташкил этиш асосига қиритилиши лозим. Педагогик муносабатлар муаммоларини ҳақ этиш ҳамада таълим этилади. Бўлажак ўқитувчинини тайёрлаш билан

боғлиқ педагогик ҳоҳисани ҳамада эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Бу мураккаб ва кўп қиррали ижтимоийлашш жараёни — бутунли кунда муҳим ижодий йўналганлик, ижтимоий — педагогик қадрият сифатида алоҳида эътиборни талаб қилади. Таълимдаги янги қадриятлар шахсининг «таълим ва мутахассислик йўналишларини» талаб ва педагогик фаолиятида ижодий имкониятларини фаоллаштирувчи, «Мен» концепцияси негизда ўзини қадрлаш муносабатида бўлиши билан ўқув-тарбиявий жараёнда ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантиришга қаратилган инновацион ўқитишни талаб этади:

- ўқувчиларнинг хусусиятлари ва қобилиятларини, уларнинг ички имкониятларини оқиб беришга қаратилганлик;

- илмий ва умуминсоний қадриятларни педагоглар онгига сингдириш;

- шахс, жамият ва аtroф — муҳитнинг муносабатларини уйғунлаштириш;

- муносабатлардаги қадриятни анъаналар асосида, ўқитувчи ва ўқувчининг бир — бирини ҳурмат қилиши;

- ўқувчиларда эстетик бой дунёқарашни, юқори маънавийликни, маданиятлик ва ижодий фикрлашни шакллантириш;

- унинг тарих, ҳақ одатлари ва анъаналари билан ўзбекистон халқлари маданиятини сақлаш ва бойитиш, таълимни илмий ривожланишининг муҳим воситаси деб тан олиш, бошқа халқлар тарихи ва маданиятини ҳурмат қилиш билан узвийлигидан иборатдир;

- ижодий фикрлаш, башорат қилад олиш, муқобила фикрлашга имкон берувчи шакл, метод ва воситалардан фойдаланиб, ижтимоий аҳамиятга қарорлар қабул қилишга ўргатиш.

Ўқитувчиларни, энг аввало, педагогика олий ўқув юрғларида керакли даражада тайёрлашнинг педагогик, ижодкорлик муаммоларини ечиш учун методологик,

⁶ Инамова М. Педагогические основы использования национальных ценностей в духовно-нравственном воспитании детей в семье: Автореф. дисс. докт. пед. наук. — Ташкент, 1998, 38 б.